

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-5-2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Бош муҳаррир:*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.***Бош муҳаррир ўринбосари:***Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.***Таҳрир хайати:**

<i>Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.</i>	<i>Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.</i>
<i>Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.</i>	<i>Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.</i>
<i>Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.</i>
<i>Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.</i>	<i>Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.</i>	<i>Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.</i>
<i>Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.</i>	<i>Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.</i>
<i>Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.</i>	<i>Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик</i>
<i>Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.</i>	<i>Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.</i>
<i>Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.</i>	<i>Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.</i>
<i>Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.</i>	<i>Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.</i>
<i>Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.</i>	<i>Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.</i>
<i>Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.</i>	<i>Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.</i>
<i>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.</i>	<i>Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.</i>
<i>Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.</i>	<i>Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.</i>
<i>Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.</i>	<i>Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.</i>
<i>Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.</i>
<i>Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.</i>	<i>Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.</i>
<i>Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.</i>	<i>Худайберганаева Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д., проф.</i>
<i>Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.</i>	
<i>Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.</i>	
<i>Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.</i>	
<i>Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.</i>	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№5/2 (89), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 206 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Ablaqulov K.B., Oripova Sh.K. Ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish jarayonida yaratilgan mahsulotning tarkibiy qismlari	5
Bazarova M.S. Ways for efficient use of labor resources in the digital economy	8
Djabbarov I.G. Tourism development strategies in Uzbekistan: regional cooperation issues	10
Djuraeva D.D. Improving the effectiveness of developing innovative approaches to expanding new types of services	13
Dzhuraeva Z.T. Innovative ways to invest in human capital investments	17
Komilova B.Z. Raqamli hukumatning o'zbekiston rivojlanishidagi o'rni	20
Sharifi Abdul Fatah Sug'oriladigan yerlarda suvdan foydalanish uchun haq to'lanishining iqtisodiy asoslari	22
Sirojiddinov I.Q., Xolmirzayev U.A. Auditorlik faoliyatida xalqaro standartlar talablari qo'llanishining dolzarb masalalari	25
Алимова Ш.А. Роль коммуникативных компетенций в развитии внешнеэкономической деятельности	30
Бахтиёрлов Б.Б. Ўзбекистонда саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичлари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар	33
Бегленов Н.Д. Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасидаги маркетинг коммуникациясини ташкил этишнинг замонавий ҳолати	39
Бектемиров А. Инвестиция жараёнларини оптимал моделлаштириш	42
Бобобеков Б.К., Бобобеков Б.Б. Жиззах вилоятида зиёрат туризмни ривожлантиришда туристик маршрутларнинг истиқболли йўналишлари	46
Жўраев О.Н. Меҳнат ресурсларининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар	49
Илҳамова З.П. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш имкониятлари	53
Инобатов А.Б. Деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғини етиштириш имкониятларини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамияти	56
Искандаров Б.А. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда қурилиш маҳсулотлари корхоналарида персонални бошқаришнинг долзарб масалалари	60
Кирийгитов Б.А. Боғдод тумани энергетик потенциали таҳлили	65
Курбанов Ф.П. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари ва иқтисодий оқибатлари	67
Маткаримов Ф.Б. Хоразм вилоятида агротуризмни ривожлантиришда фермер хўжалиklarининг тутган ўрни	71
Мўйдинов Б.Н. Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарни инновацион ривожланишнинг доимийлигини таъминлаш	76
Назарова Б.Ў. Ички туризм корхоналарида бошқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари	80
Очилова Н.А. Қашқадарё вилоятида деҳқон (томорқа) хўжалиklarининг иқтисодий кўрсаткичлари	84
Таджиев Т.М., Пердебаев А.Б. Минтақада саноатни оптимал моделлар асосида ривожлантириш истиқболлари	87
Тошалиева С.Т. Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик ривожланишининг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш	91
Утемуратова Г.Х. Таълим хизматлари бозорида давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини бошқариш ҳолати таҳлили	100
Халимов Ж.Ш. Минтақа иқтисодий салоҳияти ва саноатини ялпи тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури	104
Худайбердиева О.К. Тенденции развития рынка услуг Бухарской области	109
Хўжанова Г.О. Минтақада табиий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари	111
Хусанова З.Р. Вилоятда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизми ва унинг ўзига хос хусусиятлари	114
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Akramov D.F., Ergashev A.A. Buxoro Xalq Sovet Respublikaning maorifi	118
Umurzakov U.A. Jamiyat ijtimoiy-siyosiy barqarorligini mustahkamlashning mafkuraviy omillari	121
Абдалов У.М., Рахимбоев М.И. XX - XXI аср бошлари тадқиқотларида зардуштийлик динидаги баъзи масалалар тарихшунослиги	123
Айтмуратов Ж., Айтмуратова Ж. Открытие Каракалпакского государственного университета – счастливый шаг в развитии науки, образования и культуры	127
Атаева Д. Аёл ҳуқуқи ва гендер муносабатлар	133
Атаева Д. Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегиясининг қабул қилиниши ва унинг моҳияти	136

Бахриев О.А. Фаранги маҳаллийнинг ёш алломаси	138
Бўтаев Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти пахтачилик хўжалиги тўғрисида мулоҳазалар	140
Давронов А.Н. Ўзбекистонда ҳарбий-билим юртлар тарихи	143
Зарипов О.О. Туркистонни бошқариш тўғрисидаги 1886 йилги низомнинг ўлкадаги ВАҚФ ерларига таъсири	146
Икромов Ш.Н. Наврўз байрамининг тарихий илдизлари	149
Канимкулов О.Ш. Забардаст олимнинг ибрат мактаби	151
Карабаев О.Р. Коррупцияга оид жинойатларга қарши курашишда терговчи ва тезкор ходимларнинг ўзаро ҳамкорлиги	155
Наврұзов С., Оллабергенова Р., Рўзметова Р. Шарқшунос Куннинг Хивадаги этнографик тадқиқотлари	159
Орзиёв М.З. Рус-инглиз келишувининг Афғонистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири	162
Рашидов О.Р. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашнинг назарий асослари	165
Суюнов С.С. Фузур туманининг суғорилиш тарихи тўғрисида	169
Тўхтаева Р.Н. XX асрнинг 60-80 йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт	178
Утепбергенова А.К., Қудайбергенов Н.П. Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот васиталарининг ўрни	180
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Ишмуратов Х.К., Исакбаев Б.А., Жўраев З.Х. Зависимость контактных напряжений шестерни и колеса от величины модуля	184
Камалова М.Б., Аманова З.М. Гўштдан тайёрланган “деликатес” таомлар технологиясининг таҳлили	186
Камалова М.Б., Аманова З.М., Адизов Р.Т. Исследование безопасности пищевых продуктов	189
Камалова М.Б., Аманова З.М., Азимов У.Н. Анализ и оценка влияния адсорбентов при очистки хлопкового масла	192
Камалова М.Б., Аманова З.М., Азимов У.Н. Миллий таомларнинг сифат хоссаларини таҳлили	194
Мамасалиева М.И. Состояние топливно-энергетических ресурсов и их рациональное использование в АПК Республики Узбекистан	197
Машарипов Ш.Р., Саттарова О.А., Матюсупова Н.Д. Особенности траектории рассеянных ионов ступенчатой поверхности полупроводниковых монокристаллов типа A^3B^5	200
Ниёзова Р.Н. Повышение предела прочности кожи в результате жирования	203

келтирилган қоғозлар йиғиндисиدير. Лекин бу қоғозлар йиғими ҳали рақамлаштирилмаган. Ушбу йиғимда биринчи дафтарга Александр Кун “Солгут дафтаридан танланмалар, қалъа ва қишлоқлар бўйича маълумотлар рўйхати”, кейинги етти дафтарга мавзу қўйилмаган ҳолда мазмун жиҳатдан бир бирига ўхшамайди.

Б.Андрианов таъкидлашича Ҳазорасп бекликида ўтказилган рўйхати алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу “Ҳазорасп аҳолиси ҳақидаги ёзувлари” дир. Рўйхатнинг ариқ ва каналлар бўйича ёзиб олинганлиги характерлидир. Жумладан: бекликда суғориш тизими 30 ариқ ва каналлардан иборатдир. Ҳазорасп беклиги аҳолисининг этник таркиби ва ҳилма-хиллиги ўқувчида қизиқиш уйғотади. Масалан, этник таркибни кўрсатувчи қуйидаги: ўзбеклар, сартлар, кайманлар, киётлар, хитой, қўнғирот, қорақалпоқ, уйғур, дўрман, хўжа, қорадошли, емрали уруғлари кўрсатилган. Дафтар охиридаги якунда: Хива бекликида 14680 ҳовли мавжуд. Агар ҳар бир уй-ҳовлида ўртача беш кишидан ҳисобланса жами 73400 киши чиқади. Шундай қилиб солиқ дафтарлари Хива хонлиги аҳолисини ўрганишнинг муҳим манбаси сифатида қаралган. Шундай оддий услубда аҳоли рўйхати қилинган. Бошқа манбаларда чорвадор аҳоли ҳар бир хўжалик ҳисобига ўртача беш кишидан олиниб ҳисобланган. Александр Кун фақат хонлик пойтахти сифатида Хива беклигини олган. Ушбу дафтарда “Хива мактаб ва мадрасалари” сарлавҳали материал бўлиб, унинг хошиясига 1873 йил 2 август санаси қайд қилинган. Бу материаллар тадқиқотчи Куннинг Хивада бўлиш даврини кўрсатади.

Архив ҳужжатлари орасида 2-сонли дафтар рус тилидаги ягона материал бўлиб унда “Хива хонлигида аҳолининг қадимдан жойлашуви, ҳозирги таркиби, шаҳарлари ва бошқарув маъмурияти” очерклари дир. Бу тўплам 318 варақдан иборат бўлиб, муқоваланмаган ҳолатда ва турли ҳажмда. Бу материаллар орасида Хива хонларининг солиқ ҳужжатлари мавжуд, улар 1873-1874 йилларга тааллуқлидир. Улар орасида Александр Куннинг ўзи ёзган рус тилидаги солиқ ҳужжатлари бўлиб, қазувчилар, сарбоз (навкар) аҳоли истиқомат қиладиган масканларга тегишлидир. Шунингдек, ушбу ҳужжатлар орасида “Яна бир алоҳида диққатга сазовор материал борки у Хива амалдорларининг хон қабулидаги амалига қараб жойлаштирилувидир” [9].

Шундай қилиб, тадқиқотчи Александр Людвигович Кун шарқшунос олим сифатида, Хоразм аҳолисининг тарихини ўрганишнинг дала этнографик тадқиқотчилигига илк бор асос солганди.

ҲИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Андрианов Б.В. Архив А.Л. Куна. // Советская этнография. 1951, № 4. С. 150
2. Иванов П.П. Записки института востоковедения Академия наук СССР том 7 Ленинград 1939. С.8
3. Андрианов Б.В. А.Л. Куна. С.8
4. А.Л. Кун. а) Отчет о поездке по Хивинскому ханству совершенной во время Хивинской Экспедиции 1873 года, “Известие Русского географического общества”. Т. X. 1873 с.52. б) “Культурный оазис Хивинского Ханства” // “Туркестанские ведомости” 1874 № 6,9,11,14; в) “Заметки о подъятах в Хивинском ханстве “Туркестанские ведомости”, 1874 № 32, 33.
5. Иванов П.П. Архив хивинских ханов. Л. 1940.
6. Андрианов Б.В. Архив А.Л. Куна. // Советская этнография. 195, № 4 стр 150.
7. Андрианов Б.В. ўша асар 151 бет.
8. Институт Востоковедение АН. Фонд 33 №2 72 бет.
9. Институт Востоковедение АН. Фонд 33 №2 72 бет.

УЎҚ 9(4)+9(5)

РУС-ИНГЛИЗ КЕЛИШУВИНИНГ АФҒОНИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

(“Туркистон тўплами” материаллари асосида)

М.З. Орзиев, PhD, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Ўрта Осиё минтақасида ингилз-рус рақобатининг 1907 йилги ўзаро келишув асосида барҳам топиши. Ушбу келишувга Афғонистон давлати ва афғон қабилаларининг муносабати масалалари “Туркистон тўплами” материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Қарам давлат, империя, рус-инглиз келишуви, “Дюранд линияси”, контрабанда, тахт учун курашлар, сарой фитнаси, “Туркистон тўплами”, Баракзойлар сулоласи, дин уламолари, муҳожирлик, Россия-Афғонистон чегараси, Инглиз-ҳинд матбуоти, “Ниши-Ниши-Шинбун” матбуот органи.

Аннотация. В данной статье проанализированы устранение англо-русского соперничество в регионе Средней Азии на основе взаимного согласия, отношение афганского государства и афганских племен на основе материалов “Туркестанский сборник”.

Ключевые слова: зависимое государство англо-русское соглашение, Линия Дюранда, контрабанда, борьба за престол, дворцовая интрига.

Abstract. In this article the settlement of Anglo-Russian rivalry in the region of Central Asia based on the mutual agreement of 1907, the attitudes of the state of Afghanistan, and Afghan tribes to this agreement based on the materials of “Turkistan collection” is analysed.

Keywords: Dependent state, Empire, Anglo-Russian agreement, “Durand line”, smuggling, struggle for throne, intrigue of palace.

XIX асрда Россия ва Буюк Британия империялари олиб борган мустамлака сиёсати натижасида Бухоро амирлиги Россияга ва Афғонистон давлати Англияга ярим қарам давлатга айланиб, икки империя ўртасидаги буфер зонани ташкил этдилар. Бухоро амирлиги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Россия империясига тўла қарам бўлиб, Афғонистон фақатгина ташқи сиёсатда қармлиги билан фарқланарди. Аммо, 1907 йил 31 августда рус-инглиз келишуви содир бўлиб, Россия ва Англия Эрон, Урта Осиё ва Тибет чегараларида таъсир доиралари хусусида ўзаро келишиб олган эдилар[9, 20].

Икки империалистик давлатнинг келишуви ўша давр йирик империалистик давлатлар томонидан илик кутиб олинди. Агар Франция бу келишувдан Германия ва унинг итифоқчиларига қарши кучли ҳарбий блок тузишга эришган бўлса, Япония ҳам Россия ва Англия ўртасида уруш чикса 1902 йилги инглиз-япон келишувининг оғир шартларидан қутилган. Ҳатто, япон матбуот органларидан “Ниши-Ниши-Шинбун” Япония ташқи ишлар вазирлиги амалдори бўлган граф Окума сўзларига таяниб, Ҳиндистонга қарши русларнинг таҳдиди йўқолгани ва Япония ҳукумати зиммасидаги мажбуриятнинг энгиллашгани деб баҳолаган[13, 103].

Рус-инглиз келишувининг Эрон, Афғонистон давлатлари иштирокисиз уларни розилигисиз амалга оширилиши мазкур давлатлар аҳолисининг кучли норозилигини келтириб чиқарган. Инглиз-ҳинд матбуоти маълумотларида 1907 йилнинг ўзидаёқ бир қатор таҳликали мақолалар босиб чиқарила бошланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Daily Mail газетасининг 1907 йилги сонларининг бирида Россия-Англиянинг 1907 йилги келишуви Афғонистондаги аҳоли орасида кучли норозиликларга сабаб бўлаётганлиги, шу вақтгача қўшинларни замонавий қуроллар билан қуроллантиришга уринишлар содир бўлган бўлса, эндиликда оддий аҳолининг ҳам замонавий ўқотар қуроллар билан қуроллана бошлагани, бу мамлакатда ички курашларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишга оид фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилган[1, 85].

Афғонларнинг қуроллана бошлагани мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган албатта, аммо, қуролланиш сабаби инглиз-ҳинд матбуотида ҳаммиша ҳам тўғри маънода тарғиб этилмаган. Бу давлат ва ҳукуматга қарши эмас, балки келажакда мамлакат мустақиллигига қарши таҳдидларга қарши туриш мақсадида олиб борилган эди. Шу сабабли Рус-инглиз келишувидан кейин Афғонистонда инглизларга қарши кураш авж олган. Инглиз-ҳинд матбуоти афғонлар фикрича, руслар ва инглизларнинг Афғонистон манфаатлари билан ҳисоблашмай имзолаган бу келишуви Афғонистонни икки империя ўртада бўлиб олишга қаратилган деб ишонмоқда эканлигини ёзган. Қурол контрабандасининг кучайиши афғонлар ўз манфаатларини қурол кучи билан ҳимоя қилишга тайёргарликлари сифатида баҳоланган ҳолатлар ҳам “Туркистон тўплами” материалларида келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин[4, 75].

Россия империяси разведкаси 1908 йилда ўз раҳбарларига Афғонистон ҳақида таҳликали хабарларни юбора бошлаганлар. Разведка маълумотларида, рус-инглиз келишуви Кобулга етиб келгандан сўнг аҳоли орасида кучли норозилик ва фавқулодда ғалаёнга мойиллик кучайиб бораётганлиги, Россия империясининг Осиё минтақасидаги азалий рақиби бўлган Усмонли турк давлати фуқаролари (асосан ҳарбий инструкторлари) Афғонистонга инженер, врач, ўқитувчи ниқоби остида кириб келиши кучайиб бораётганлиги, ушбу шахсларга давлатнинг юқори мансаб ва амаллари берила бошлаганлиги Россия-Афғонистон чегараларида қурол контрабандаси авж олиб бораётганлигини келтириб ўтганлар[6, 58].

Афғонистонда ўқотар қуролларнинг кўплаб контрабанда усулида олиб кирилиши кейинги 1908 йилда ҳам кўпайиб борган. “Туркистон тўплами”да келтирилган маълумотларнинг бирида, жорий йилнинг олти ойи ичида Афғонистонга 30-40 минг милтиқ контрабанда усулида келтирилганлиги қайд этилган. Англияда нашр этиладиган “The Times” газетасининг сўнгги сонларида қурол асосан Ҳиндистон ва Афғонистон чегарасидаги мустақил, ҳеч кимга бўйсунмай яшайдиган афғон қабилалари томонидан олиб ўтилаётгани, инглиз-ҳинд армияси 6 ой ичида бу ҳудуддаги Момандхел қабиласига қарши 2 та жазо экспедицияси ташкил этганлигини, шунингдек, Бендер Аббос порти ва Белужистон орқали ҳам ўқотар қуроллар олиб келинаётганлиги келтириб

ўтилган. Инглизлар қўл остида бўлган Нушка, Сеистон, Жом орқали ҳам қўлга тушган контрабанда усулида қурол олиб келиш ҳолатлари билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлиги қайд этилган[5, 166].

Афғонларнинг бир қатор қабилалари Ҳиндистондаги англиз-ҳинд ҳукуматига ҳам, Афғонистон давлатига ҳам бўйсунмаган бўлиб, бу кейинчалик тарихий адабиётларда “Дюранд линияси” номи билан кирган. Ушбу ҳудудда яшовчи афғон қабилаларидан Момандхел, Шинварей, Утманхел, Заккахел, Бронхел, Афридий деб номланувчилари асосий контрабанда билан шуғулланувчи қабилалар гуруҳи бўлиб, англизлар уларнинг қурол контрабандасига чек қўйиш мақсадида 1908-1910 йиллар давомида бир неча бора жазо экспедицияларини ташкил этганликларига оид маълумотлар мавжуд[11, 12].

Инглизлар Афғонистонни ўз таъсир доираларида тутиб туриш, шунингдек, кучли Афғон давлати вужудга келишини олдини олиш мақсадида сарой фитналари ва тахт учун курашларни авж олдиришга ҳаракат қилганлар. Афғонистон тарихида Шоҳ Шужо, Ёқубхон каби инглизлар билан ҳамкорликка борган сулола вакиллари ва тахт учун курашлар содир бўлганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотлар орқали яхши маълум. Шу билан бир қаторда Афғонистонда давлат тўнтаришлари тез-тез содир бўлиб турган. Амир Абдурахмонхон (1880-1901 йй) даврида ҳам бу ҳол бир неча бора кузатишган бўли, Абдурахмонхоннинг Кобулда бўлмаган вақтида содир бўлган фитна ва кўзғолон вақтида, вазият таҳликали тус олиб, уни бостиришда армия ва амалдорлар қатъиятсизлик қилаётган бир вақтда Абдурахмонхоннинг иккинчи хотини эркакча қийиниб фитнани бостиришга бош бўлганлиги шу сабабли у амирнинг энг сеvimли хотинига айлангани расмий доираларда тилга олина бошланган[12, 98]. Биби Ҳалима номли ушбу аёл Абдурахмонхон вафотидан кейин ҳам Афғонистон давлати ва ижтимоий-сиёсий жараёнлари катта таъсирга эга бўлиб, ҳатто, 1901-1919 йилларда Афғонистон амири бўлган Ҳабибуллохон ҳам унга қарши чиқишга журъат қила олмаган. Ҳатто, ўзига қарши фитна тайёрлашда иштирок этгани исботланган ҳолларда ҳам Ҳабибуллохон Биби Ҳалимага қарши бирор чора кўришга кучи етмаган[3, 97]. Амир Абдурахмонхон вафот этгандан сўнг тахт учун курашлар бошлангач, амирнинг катта ўғли сифатида Ҳабибуллохон тахтга чиқиши лозим бўлган. Аммо, тахт учун курашларда Биби Ҳалима ҳам қўшилиб, ўз ўғли Умархонни тахтга ўтқизишга ҳаракат қилган. Тахт учун курашларнинг энг қизғини ҳам Ҳабибуллохон ва Биби Ҳалиманинг ўғли Муҳаммад Умархон ўртасида содир бўлган[12, 111].

Ҳабибуллохон ҳукумронлиги даврида унга қарши фитналарнинг авж олишига турли сабаб ва омиллар мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин. Биринчидан 1907 йилги рус-инглиз келишуви ва Ҳабибуллохоннинг ҳаракатсизлиги бўлган. Расман Ҳабибуллохон ушбу келишувни тан олмаган бўлсада, уни бекор қилишга ҳам қурби етмаганлиги бўлиб, бу ҳол унга қарши фитналарнинг авж олиши учун асосий сабаб бўлган. Баҳона сифатида афғонлар таомилига кўра, тахтга ўтирган баракзойлар сулоласи вакиллари унинг онаси Вахон ҳудудидаги тожиклардан эканлигини, Ҳабибуллохоннинг 1872 йил Самарқандда туғилганлиги каби важларни кўрсатганлар деб хулоса қилиш мумкин[7, 77]. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида Ҳабибуллохонга рус-инглиз келишувидан сўнг Афғонистон жамиятининг юқори мартабали вакиллари фитна уюштирган деб хулоса қилиш мумкин.

“Туркистон тўплами” материалларида Биби Ҳалима бошчилигида амалга оширилган фитна Муҳаммад Умархонни тахтга ўтқизиш мақсадида амалга оширилиб, мағлубиятга учраганлиги келтириб ўтилган. Фитна иштирокчиларидан бир қисми тўп оғзига боғлиб отиб ўлдирилган. Шундай бўлсада, Биби Ҳалиманинг сарой ва оддий аҳоли орасидаги катта обрў-эътибори сабабли унга ва Умархонга нисбатан бирор чора кўрилмаган. Ушбу фитнадан сўнг Ҳабибуллохон ўз укаси сардор Насруллохондан ҳам хавфсирай бошлагани, чунки, унинг ислом дини уламолари орасида обрў-эътибори юқори эканлиги, ўзига қилинган суиқасдларнинг бирида укасининг қўли борлигига оид маълумотлар келтирилган[3, 198]. Ҳабибуллохонга қарши фитнада Биби Ҳалима ва унинг 20 яшар ўғли Муҳаммад Умархондан ташқари бир қатор эътиборли афғон уруғ-қабилла етакчилари ҳам қатнашган бўлиб, сулола вакиллари жазодан озод этилсада кўзғолоннинг қолган иштирокчилари шафқатсиз жазоланган. Фитначилардан Мо Ҳасанхон Байзай-Моманд (қабилла номи) полки капитани, Муҳаммад Аъзамхон (Жабрхель қабиласи) ва Сардор Абдул Гаусхон (Баракзой қабиласидан шоҳ кавалерияси майори) каби эътиборли шахслар тўп оғзига бойлаб отилган. “Туркистон тўплами” маълумотларида ҳали 30 киши айбдор ва 60 дан ортиқ киши гумондор сифатида Кобулнинг Боло Ҳисор зиндонидан ушлаб турилгани келтириб ўтилган[2, 104].

Афғонистонда содир бўлаётган воқеяликларни Россия ва Буюк Британия империялари диққат билан кузатиб, ўзаро ахборот алмашиб турганлар. Ана шундай ахборот алмашиниш жараёнида Санкт-Петербургга Англия пойтахти Лондондан келган телеграма мазмунида амир Ҳабибуллохон ўз укаси сардор Насруллохон қўли остида асирга олинганига оид маълумотлар ёзилганлигини

кўриш мумкин [10, 202]. Аммо, ушбу маълумотни хато ёки дезинформация сифатида баҳолаш ҳам мумкин. Тарихий манбаларда ушбу икки шахзода Абдурахмонхоннинг биринчи хотини Вахон ўлкасидан бўлган тожик аёлдан туғилган фарзандлари бўлиб, ҳар иккаласи Абдурахмонхон Самарқандда муҳожирлик вақтида туғилганлиги, Ҳабибуллохон 1872 йил, Насруллохон 1874 йилда туғилган бўлиб, ака-укалар иккаласи ўртасидаги муносабатлар иноқ ва ахил эканлиги кўп бора тилга олинган [8, 79]. Аммо, инглиз-ҳинд матбуот органлари эҳтимол тарқалган нотўғри маълумотлар ёки бошқа бир мақсадда бир неча бора Ҳабибуллохон ва Насруллохон ўртасида зиддият мавжудлигини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Масалан, The Pioneer газетасининг 1909 йил сўнгги сонидан Афғонистон амири Ҳабибуллохоннинг укаси сардор Насруллохон томонида Россия-Афғонистон чегаралари атрофига варақалар тарқатгани, варақаларда Ҳабибуллохонни амир сифатида тан олмасликни тарғиб қилаётганлигига оид маълумотларни тарқатганлар [1, 84].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 1907 йилги рус-инглиз муносабатлари ва дунёда мавжуд сиёсий қарма-қаршиликларни бир қадар пасайишига ва Марказий Осиё минтақасида “Тинчлик”ни сақланиши кафолати бўлсада, Афғонистон давлатида ижтимоий ғалаёнлар ва бир қатор давлат тўнтариши билан боғлиқ жараёнларни вужудга келтирган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вести об Афганистане. // Туркестанский сборник. Том 518. – 84-85.
2. К заговору против эмира Афганского. // Туркестанский сборник Том 507. – С. 103-105.
3. Заговор Против Афганского эмира. // Туркестанский сборник Том. 508. – С. 197-198.
4. Калькутта. // Туркестанский сборник Том 465. – С. 73-75.
5. О контрабандном провозе оружия а Афганистан. // Туркестанский сборник. Том 469. – С. 166.
6. Положение в Афганистане. // Туркестанский сборник том 465. – С. 57-59.
7. Придворная жизнь в Кабуле. // Туркестанский сборник. Том 436. – С. 76-78.
8. Родословная эмиров Афганистана. // Туркестанский сборник. Том 436. – С. 78-79.
9. Сергеев Е.Ю. Большая игра, 1856-1907: мифы и реалии российско-британских отношений в Центральной и Восточной Азии. — М.: Товарищество научных изданий КМК, 2012. – 454 с.
10. Слухи о пленении эмира Афганского. // Туркестанский сборник Том 494. – С. 202.
11. События на Индо-Афганской границе. Туркестанский сборник Том 466. – С. 9-12.
12. Старый Дипломат. Англия и Россия в Средней Азии. Том 438. – С. 96а-113а.
13. Япония об Англо-Русского договоре. // Туркестанский сборник. Том. 444. – С. 103.

УЎК 66.017.83

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА МИЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАР ВА БОЛЬШЕВИКЛАР ЎРТАСИДАГИ МАФКУРАВИЙ КУРАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

О.Р.Рашидов, PhD, доц., Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий курашининг назарий асосларига бағишланади. Бунда собиқ иттифоқ даврида ўзбек зиёлилар илгари сурган қарашлар буржуа, майда буржуа, либерал буржуа, идеалистик, клерикал (диний) каби меҳнаткаш халққа ёт ва душман зоялар сифатида қораланиб келинганлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инқилобий кураш, синфий кураш, пролетариат ва буржуазия ўртасидаги кураш, партиявий кураш, мафкуравий кураш, дастур, партия, большевик, миллий зиёлилар, жаҳидчилик, миллатчилик, шовинизм.

Аннотация. Данная статья посвящена теоретическим основам идеологической борьбы между национальной интеллигенцией и большевиками на территории Узбекистана. Анализируются взгляды узбекской интеллигенции в бывшем союзе как буржуазные, мелко буржуазные, либерально-буржуазные, идеалистические, клерикальные (религиозные) и чуждые для трудящимся.

Ключевые слова: Революционная борьба, классовая борьба, борьба пролетариата и буржуазии, партийная борьба, идеологическая борьба, программа, партия, большевик, национальная интеллигенция, джадидизм, национализм, шовинизм.

Abstract. This article is devoted to the theoretical foundations of the ideological struggle between the national intelligentsia and the Bolsheviks on the territory of Uzbekistan. The views of the Uzbek intelligentsia in the former Soviet Union are analyzed as bourgeois, petty bourgeois, liberal-bourgeois, idealistic, clerical (religious) and alien to the working people.

Key words: Revolutionary struggle, class struggle, struggle between the proletariat and the bourgeoisie, party struggle, ideological struggle, program, party, Bolshevik, national intelligentsia, Jadidism, nationalism, chauvinism.